



THE PROBLEM OF COMPLIANCE OF MEMBERS OF CORPORATE GOVERNANCE BODIES OF ENTERPRISES WITH STATE PARTICIPATION WITH FIDUCIARY OBLIGATIONS

Bo'tabayev Mehriddin Shaxobidinovich

Senior Researcher at the Research Center of the State Assets Agency
RUz, PhD, e-mail: mehr65@mail.ru, tel: +998901863946.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18375112>

ARTICLE INFO

Received: 18th January 2026
Accepted: 25th January 2026
Online: 26th January 2026

KEYWORDS

Fiduciary duties, enterprise with state participation, members of corporate governing bodies, fiduciary, beneficiary.

ABSTRACT

The demand for the fulfillment of fiduciary obligations by members of corporate governance bodies forms a new trend that has appeared in the coming years. The concept of fiduciary duties is now entering into the current legislation of the Republic of Uzbekistan. Thus, the members of the Board of Directors and the Supervisory Board who are members of the Board of Directors and the Supervisory Board cannot be deprived of the right to vote on the Board of Directors.

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФИДУЦИАР МАЖБУРИЯТЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ МУАММОСИ

Бўтабаев Меҳриддин Шахабидинович

ЎЗР Давлак активлари агентлиги Тадқиқотлар маркази етакчи илмий ходими, ф.-
м.ф.н., e-mail: mehr65@mail.ru, тел: +998901863946.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18375112>

ARTICLE INFO

Received: 18th January 2026
Accepted: 25th January 2026
Online: 26th January 2026

KEYWORDS

Фидуциар мажбуриятлар, давлат иштирокидаги корхона, корпоратив бошқарув органлари аъзолари, фидуциарий, бенефициарий.

ABSTRACT

Корпоратив бошқарув органлари аъзолари томонидан фидуциар мажбуриятларнинг бажарилиши талаби яқин йиллар пайдо бўлган янги тенденцияни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига фидуциар мажбуриятлар тушунчаси энди кириб келмоқда. Шунинг учун, давлат иштирокидаги корхоналардаги директорлар ва кузатув кенгаши аъзоларининг ушбу масалада малакасини ошириш талаб қилинади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда корпоратив муносабатларни ривожлантириш ҳамда замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш мақсадида соҳага оид бир қатор тартиб-таомиллар танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабларига жавоб бермайдиган нормалар бекор қилинди, республикада хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.



Шу билан бирга акциядорлик жамиятларининг ижро органлари, кузатув кенгашлари аъзоларининг фидуциар мажбуриятлари, мажоритар акциядорларининг умумий мажбуриятлари ҳамда ушбу мажбуриятлар бўйича жавобгарлик белгиланишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, қонунчиликни халқаро нормаларга уйғунлаштириш зарурияти юзага келмоқда. Жумладан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонунига](#) [1] акциядорлик жамиятлари ижро органлари, кузатув кенгаши аъзоларининг фидуциар мажбуриятларини, мажоритар акциядорларининг умумий мажбуриятларини ҳамда уларнинг жавобгарлигини аниқлаштиришга қаратилган қўшимчалар ва ўзгартириш киритилди.

Фидуциар мажбуриятлар – бу шундай махсус турдаги умумий муносабатларки, уларда бир томон – **фидуциарий** (бошқарувчи, директор, адвокат) бошқа томон – **бенефициар** (мижоз) **фақат энг яхши манфаатлари** йўлида **ҳалол, содиқлик** ва **эктиёткорлик** билан самарали ҳаракат қилиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади (одатда активларни бошқариш, молия ёки хизмат кўрсатиш соҳасида).

Фидуциарий сифатида қуйидаги шахслар тан олиниши мумкин:

- акциядорларга нисбатан компания директори;
- мижозга нисбатан молиявий консултантлар;
- инвесторларга нисбатан инвестиция фондининг бошқарувчиси;
- ҳимоя қилинувчига нисбатан унинг адвокати;
- бошқалар активларни бошқараётган траст бошқарувчилари ва банклар.

Фидуциар мажбуриятлар манфаатлар тўқнашувидан четлаб юришни, шахсий фойдани кўзламасликни ва бенефициар активларини ҳимоя қилишни талаб қилади. Уларнинг бузилиши қатъий жавобгарликка тортилишга, шу жумладан етказилган зарарни қоплашга олиб келади.

Фидуциар мажбуриятларнинг асосий белгилари

Ишонч: Ишончга асосланган бўлиб, фидуциарий бошқа шахс номидан ёки манфаати йўлида ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлади.

“Янг яхши манфаатлар” тамойили: Фидуциарий бенефициарий манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйиши керак.

Содиқлик: Содиқ бўлиш ва ҳалоллик билан ўз вазифасини бажариш мажбурияти.

Ғамхўрлик: Лозим даражада ғамхўрлик ва эктиёткорлик билан ҳаракатланиш талаби.

Манфаатлар тўқнашуви: Шахсий фойда олишни ёки шахсий манфаатлар ва мижоз манфаатлари ўртасида ихтилоф (қарама-қаршилиқ)ни юзага келтирадиган ҳаракатларнинг қатъиян ман қилиниши.

Мажбуриятларнинг бузилиши оқибатлари

Фидуциар мажбуриятларга риоя қилмаслик жиддий ҳуқуқий оқибатларга олиб келади, шу жумладан:

- етказилган зарарларнинг қопланиши;



- молиявий санкциялар;
- суд даволари;
- айрим ҳолларда – жиноий жавобгарлик.

Оддий шартнома муносабатларидан фарқли ўлароқ, фидуциар мажбуриятлар фидуциарий зиммасига кучайтирилган ҳуқ стандартларига риоя қилиш талабини юклар, ишонч билдираётган томонга кучлироқ ҳимоя даражасини тақдим этади.

2026 йилгача Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий базасида акциядорлик жамиятлари масъул шахсларининг фидуциар мажбуриятлари тушунчаси мустаҳкамланмаган эди. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 06.05.2014 йилдаги ЎРҚ-370-сон қонунига киритилган ва 2026 йил 28 февралдан кучга кирадиган ўзгартиришларга биноан амалдаги қонунчиликда илк бор фидуциар мажбуриятлар тушунчаси таърифланган. Ушбу Қонуннинг 81-моддаси олтинчи ва ўнинчи хатбошисига биноан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи фидуциар мажбуриятларни бажармаслик натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Ушбу қонун 81-моддаси ўн биринчи – ўн саккизинчи хатбошиларига биноан :

“Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув аъзоларининг ҳамда ишончли бошқарувчининг фидуциар мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- вазифа ва мажбуриятларини амалга оширишда виждонан ҳаракат қилиб, жамият ва акциядорлар манфаатларини энг кўп акс эттирувчи усуллардан фойдаланишни;

- жамият мол-мулкидан жамиятнинг уставига ва ички ҳужжатларига зид равишда ва (ёки) акциядорлар умумий йиғилишининг ва (ёки) кузатув кенгашининг қарорларисиз, шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланмасликни ҳамда ундан бошқа шахслар томонидан шу тарзда фойдаланилишига йўл қўймасликни;

- жамиятнинг бизнес имкониятларидан ёки жамият учун манфаатли бўлган объектлардан ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ёки ўз мавқеидан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз, шахсий наф олиш мақсадида ёки бошқа шахслар манфаатларини кўзлаб, шундай наф олишга кўмаклашиш мақсадида фойдаланмасликни;

- жамиятнинг асосий фаолияти йўналишларига хос бўлган соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз амалга оширмасликни;

- қонунчиликка, жамиятнинг ички ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликни;

- ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш эвазига моддий қимматликлар олмасликни ёки бундан манфаатдор бўлган шахслардан мулкий манфаатдор бўлмасликни.



Қонунчиликда, жамият уставида ва ички ҳужжатларида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув аъзоларининг ҳамда ишончли бошқарувчининг бошқа фидуциар мажбуриятлари белгиланиши мумкин.”

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши аъзолари назарда тутилган хусусий ҳол учун фидуциар мажбуриятлар тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашига номзодларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 04.11.2022 йилдаги 647-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисида” Низомда мустахкамланган эди [2]. Ушбу Низомнинг 6-бандига биноан:

“Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар зиммасига қуйидаги фидуциар мажбуриятларни олади:

жонқуярликни намоён қилиш мажбурияти — кузатув кенгаши аъзоси сифатида виждонан ва жонқуярлик асосида ҳаракат қилиш;

содиқликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мажбурияти — кузатув кенгаши аъзоси сифатида биринчи навбатда корхона манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш;

лозим даражада кўздан кечиршликни намоён қилиш мажбурияти — кузатув кенгаши аъзоларидан корхонага нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш;

мустақил мулоҳазадан фойдаланиш мажбурияти — кузатув кенгаши аъзосидан қарорларни мустақил, шахсий ва бошқа манфаатларни инобатга олмаган ҳолда қабул қилиш”.

Хулоса қилиб айтганда, давлат иштироки мавжудлиги ёки йўқлиги ҳамда корхонанинг акциядорлик ташкилий-ҳуқуқий шаклига эга бўлиши ёки бўлмаслигига қараб, фидуциар мажбуриятлар тушунчаси иккала норматив-ҳуқуқчилик ҳужжатлар билан тўлиқ ёки қисман тартибга солиниши мумкин экан (1-расм).

Мулкий таркиби	Лавозим	Акциядорлик жамияти	Масъулияти чекланган жамият	Унитар корхона
Давлат иштирокидаги	Кузатув кенгаши аъзоси			
	Директор			
	Бошқарув аъзоси			
	Ишончли бошқарувчи			
Хусусий	Кузатув кенгаши аъзоси			
	Директор			



	Бошқарув аъзоси			
	Ишончли бошқарувчи			

- АЖ тўғрисида қонун тартибга соладиган фидуциар мажбуриятлар соҳаси

- 04.11.2022 йилдаги ВМҚ-647 тартибга соладиган фидуциар мажбуриятлар соҳаси

- иккала норматив-ҳуқуқий ҳужжат тартибга соладиган фидуциар мажбуриятлар соҳаси

1-расм. Фидуциар мажбуриятларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши соҳалари

Яъни, 2026 йил 28 февралдан бошлаб, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши аъзоларининг фидуциар мажбуриятлари иккала норматив-ҳуқуқий ҳужжат томонидан тартибга солинар экан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари аъзолари, директорлар, бошқарув аъзолари ва ишончли бошқарувчилар томондан фидуциар мажбуриятларга риоя қилинишини таъминлаш учун қуйидагилар мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин:

1. БМТнинг ИХРТ 2024 йилда қабул қилган “Давлат иштирокили корхоналар учун ИХРТнинг корпоратив бошқарув раҳбарлик тамойилларига” биноан мулк эгасига (яъни давлат ва бошқа ҳамкор мулкдорларга) юридик, молиявий, иқтисодий, саноат, менежмент ва барқарорлик билан боғлиқ кўникмалар ва фидуциар вазифаларни бажариш тажрибасига эга бўлган ноёб компетенцияли мутахассислар керак бўлади [3]. Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари аъзолари, директорлар, бошқарув аъзолари ва ишончли бошқарувчилар ўз фидуциар мажбуриятларига лозим даражада риоя қилиши учун уларнинг ушбу соҳада малакасини ошириш талаб қилинади. Бунинг учун, улар Давлат активлари агентлигининг Тадқиқотлар марказида ташкил қилинадиган “Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари аъзолари, директорлар, бошқарув аъзолари ва ишончли бошқарувчиларнинг фидуциар мажбуриятларга риоя қилиши” мавзусидаги қисқа муддатли ўқув курсларида иштирок қилишлари мақсадга мувофиқдир.

2. Масъул шахсларнинг фидуциар мажбуриятлари давлат иштирокидаги корхонанинг қуйидаги ички корпоратив ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлиши лозим:

- корхона уставида;
- корхона кузатув кенгаши тўғрисида низомда;
- корхона ижроия органи тўғрисида низом;
- корхона тафтиш комиссияси тўғрисида низом;
- корхона ички аудит хизмати тўғрисида низом;
- фидуциар мажбуриятлар татбиқ қилиниши мумкин бўлган бошқа турдаги низомлар.



Бунда ушбу хужжатларда фидуциар мажбуриятлар мазмуни амалдаги қонунчиликда келтирилган мазмунда баён қилиниши шарт бўлиб, давлат иштирокидаги корхонанинг фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фидуциар мажбуриятларнинг мазмуни тўлдирилиши ва аниқлаштирилиши мумкин.

3. Ҳар бир давлат иштирокидаги корхона ўзи учун “энг яхши манфаатлар” доирасини аниқ белгилаб олиши, мувофиқ сиёсатларда унинг мазмуни, таркиби, сифатий ва миқдорий характеристикаларини белгилаб олиши талаб қилинади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 06.05.2014 йилдаги ЎРҚ-370-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашига номзодларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 04.11.2022 йилдаги 647-сон қарори.
3. OECD (2024), Руководящие принципы ОЭСР по корпоративному управлению для предприятий с государственным участием 2024, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/9cba536b-ru>.